# Мавзу:  Муаммоли ўқитиш технологиялари

Маърузачи: Шеров Алишер

# РЕЖА

1. Муаммоли ўқитиш технологиясининг моҳияти ва мақсади.
2. Муаммоли ўқитиш технологиясининг умумий функциялари.
3. Муаммоли ўқитиш технологияси босқичлари.
4. Муаммоли вазият белгилари.
5. Муаммоли ўқитиш технологияси даражалари.

**Олий таълимда кенг қўлланиладиган педагогик технологиялар**

- Муаммоли ўқитиш
- Танқидий фикрлашни ривожлантирувчи технологиялар
- Ривожлантирувчи таълим технологиялари
- Ўйинли технологиялар
- Ўқитишнинг табақалаштирилган ва индивидуал технологияси
- Компютерли таълим технологияси

# Биз маълумотларни қандай ўзлаштирамиз?



**Ўқиган вазиятда – 10%**



**Эшитган вазиятда – 20%**



**Кўрган вазиятда – 30%**



**Эшитган ва кўрган вазиятда – 50%**



**Бошқалар билан баҳслашганда – 70%**



**Хусусий хиссий кечирмалар бошдан кечирган пайтда-90%**



**Бошқаларни ўқитган вазиятда – 90% - 100%**




# Муаммоли ўқитишнинг мохияти

**<u>Ўқитувчининг </u>** билиш фаолиятига бошчилик қилиш билан белгиланади, яъни қизиқтириши, мустақил ишга раҳбарлик қилади, керакли жихоз ва материаллар, ахборотлар билан таъминлайди.

**<u>Талабалар</u>** ақлий фаолиятининг муҳим босқичи: - муаммони ечиш усулини ўйлаб топиш, гипотеза қўйиш ва гипотезани асослашдан иборат.

# Муаммоли ўқитиш мақсад ва вазифалари

## Мақсади

фаол шахсларни тарбиялаш

## Вазифаси

талабаларни фаол билиш жараёнига ундаш

тафаккурида илмий- тадқиқот услубини шакллантириш

талабаларни мустақил фикрлашга ўргатиш

ижодий фикрни ривожлантириш

муаммоларни ечимини топиш малака ва кўникмаларини шакллантириш

# ЎҚИТИШНИНГ МАҚСАДИ

- Ўқитишнинг асосий мақсади – БИЛИШ.
- Билиш – фикрлашга ундайди.
- Фикрлаш – муаммоли вазият кутилмаган ҳолат ва маҳлиё бўлишдан бошланади.
- Фикрлаш тарбиясида эътибор берилади:
- Мантиқий;
- Танқидий;
- Ижодий фикрни ривожлантиришга.
- Фикр хусусиятлари:
- Фикр қувватга эга;
- Фикр ўз кучини сўзда сақлайди;
- Фикр инсоннинг биологик майдонига ва психикасига таъсир кўрсатади.
- Фикр турлари:
- Ажратувчи-деструктив;
- Бириктирувчи- конструктив.



# Муаммоли ўқитишни ташкил этишнинг шартлари

**Биринчи шарти:** ўқув-ахборот материалларини етказиб бериш;

**Иккинчи шарти:** муаммоларни ечиш усулини хилма-хиллигини таминлаш;

**Учинчи шарти:** талабанинг ушбу мавзуни ўзлаштиришдан манфаати, мақсади ва билиш имкониятларидан фойдалана олиши.



# Муаммоли ўқитишда фаолият тақсимоти

| Ўқитувчи | Талаба |
| --- | --- |
| Муаммоли вазиятни яратади | Муаммоли вазиятни таҳлил қилади |
| Мантиқий фикрлар тадбирларини ташкил этади | Умумлаштириш, интеллектуал машаққатларни ҳал қилиш ва хулоса чиқариш орқали - билишга бўлган қизиқишни қондиради |
| Тадқиқот фаолиятлари қонуниятларини шакллантириш орқали билиш фаолиятини жонлантиради | |

**Муаммоли таълимнинг умумий функциялари:**

- билимлар тизимининг ўқувчи-талабалар томонидан ўзлаштириб олиниши ва ақлий-амалий, ижодий ечимлар фаолияти;
- мустақил равишда билимга бўлган қизиқишларининг ортиши, ўқувчи-талабаларнинг ижодий қобилиятлари ўсиши;
- ўқувчи-талабада дунёқарашнинг шаклланиши ва ривожланиши.

**Муаммоли таълимнинг ўзига хос функциялари:**

- ✓ таълим олувчиларнинг ижодий фикрлаши орқали билимларни ўзлаштириши шаклланади (айрим мантиқий ва ижодий фикрлаш фаолиятларининг шаклланиши);
- ✓ олган билим, малакаларини ҳаётда қўллай олишлари шаклланади (олган билимларини янги шароитда қўллай олишлари) ўқув муаммоларига мустақил йўл очиш кўникмалари ҳосил бўлади.
- ✓ ижодий фикрлаш тажрибалари шаклланади, илмий методлар асосида изланишга ўрганадилар, уларни амалда қўллайдилар.



# Муаммоли вазиятнинг белгилари:

1. • Талабага нотаниш фактнинг мавжудлиги;
2. • Вазифаларни бажариш учун талабаларга бериладиган курсатмалар;
3. • Юзага келган билиш машақатини ҳал қилишда уларнинг шахсий манфаатдорлиги.



# Муаммоли вазиятнинг белгилари

Талабага нотаниш фактнинг мавжудлиги

Вазифаларни бажариш учун талабаларга бери-ладиган кўрсатмалар

Юзага келган билиш машақ-қатини ҳал қилишда уларнинг шахсий манфаатдорлиги



# Муаммонинг таркибий қисмлари

**<u>Маълум</u>** (аниқ топшириқ асосида) яъни педагогика фанининг предмети, мақсад ва вазифаларининг таҳлил қилиш;

**<u>Номаълум</u>** (уларни топиш янги билимларни шаклланишига олиб келади) андрогогика соҳасининг мақсад ва вазифаларини таҳлил қилиш;

**<u>Аввалги билимлар тажрибасига асосланиш</u>**. Жумладан, хозирга даврда жамиятнинг шаҳсга бўлган ижтимой талаблари нималардан иборат? (Савол ташланади, асосланади, янги билимлар берилади) яъни педагогика ва андрогогиканинг мақсад ва вазифаларини англаган ҳолда жамият талабларини хисобга олиб, замонавий шахснинг мезонлари яратилади.



# Муаммонинг муҳим белгилари

Янги билимларнинг шаклланишига олиб келувчи **НОМАЪЛУМнинг қўйилиши**

Талабаларда ноъмалумни топиш йўлида изланиш учун **муайян билим заҳирасининг** бўлиши

Муаммонинг таркибий қисмлари ва муҳим белгилари уларнинг "маълум – номаълум " каби ўзаро муносабати **талабаларда билишга бўлган ЭҲТИЁЖни юзага** келтиради



# МУАММОЛИ ТАЪЛИМДА ЎЗЛАШТИРИШ ДАРАЖАЛАРИ ЁКИ РЕПРОДУКТИВ ВА ПРОДУКТИВ ТАЪЛИМ

## Таълимнинг репродуктив даражалари

**Ўрганиш даражаси.** Агар мақсад, ҳаракат ва вазият аниқ бўлса,ҳамда талаба фақат шу харакатни бажариш талаб этилса, бу биринчи даражали ўзлаштириш ҳисобланади. Ўқитувчи томонидан муаммо яратилади ва уни ечиш йўллари кўрсатиб берилади.

**Ҳамкорлик даражаси.** Агар мақсад ва вазият маълум, аммо ҳаракатни талаба ўзи аввалги билимларни эслаш ҳисобига топиши лозим бўлса, иккинчи даражали ўзлаштириш ҳисобланади. Ўқитувчи томонидан муаммо яратилади ва ечими талабалар билан биргаликда аниқланади.



# Таълимнинг продуктив даражалари

**Мустақил даража.** Агар вазифада мақсад аниқ, аммо вазият ноаниқ бўлса, талабадан вазиятни эслаш ва нотипик масалани ечиш талаб этилса, бу эвристик типдаги фаолият ҳисобланади ёки 3- даража. Ўқитувчи томонидан муаммо яратилади, талаба томонидан мустақил равишда муаммонинг ечими топилади.

**Ижодий даража.** Агар мақсад ҳам, вазият ҳам, харакат ҳам номалум бўлса, талаба мавзудан муаммони аниқлаши, вазиятни танлаши ва ечим учун ҳаракатни ҳам ўзи топиши керак бўлса бу тўртинчи даража мустақил ва ижодий типдаги фаолият хисобланади. Ўқитувчи мавзуни эълон қилади муаммони талаба яратади, мустақил равишда ечимини топади ва хулосалайди.



# Муаммоли ўқитиш методлари

| | | | |
|---|---|---|---|
| ижодий ёндошув методи | қисман ижодий-ёндошув ёки эвристик | ахборотларни муаммоли баён қилиш | ахборотни муаммоли бошлаш орқали баён қилиш |


Фараз
Низо
Фавқу-
лодда
Муаммоли
вазиятлар
типлари
Инкор
Номутано-
сиблик
Танлаш



# Муаммоли вазият типларига мисоллар

- **Фавқулодда вазият** – Кўчадан чақалоқ топиб олинди.
- **Номутаносиблик вазияти** – Бухгалтерия хисоб-китоби текширилганда 100000 сўм ортича пул аниқланди. Буни қандай ҳал қилиш мумкин?
- **Низоли вазият** – Корхона чет элга тозаланган,ярим ишлов берилган пахта юборди. Маҳсулотни чет элга етиб келгунича сифатини бузилмаслик маъсулиятини чет эллик ҳамкорлар ўз бўйниларга олишган эди. Ҳамкорлар паст сифатли маҳсулот юборилган деган айблов қоғози юборишди. Ушбу низони қандай ҳал қилиш мумкин?

# ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН

# ТАШАККУР !